

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**263 Электр энергиясини сотишни бухгалтерия ҳисобида  
акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқ-  
лаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил  
31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2127*

*(2010 йил 10 августдан кучга киради)*

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни-  
нинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил,  
9-сон, 142-модда) 5-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳка-  
масининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сонли қарори билан тасдиқланган  
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомга (Ўзбекис-  
тон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1992 й., 12-сон,  
37-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил  
21 майдаги 98-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси  
Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун  
ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 21-сон, 162-модда) асосан ва Ўзбекистон  
Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги 245-сонли  
«Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш  
тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпла-  
ми, 2009 йил, 35-сон, 382-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия  
вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Электр энергиясини сотишни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тар-  
тиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-  
лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга  
киради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 7 июль,  
53-сон

**Давлат солиқ  
қўмитаси раиси**

**Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,  
2010 йил 7 июль,  
2010-32-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ  
қўмитасининг 2010 йил 7 июлдаги  
53, 2010-32-сонли қарорига  
ИЛОВА

**Электр энергиясини сотишни бухгалтерия ҳисобида  
акс эттириш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 августдаги 245-сонли «Электр ва иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 35-сон, 382-модда) мувофиқ, ҳудудий электр тармоқлари корхоналари (кейинги ўринларда — ХЭТК) томонидан электр энергиясини сотишнинг бухгалтерия ҳисоби масалаларини тартибга солади.

**1-§. Умумий қоидалар**

1. ХЭТК томонидан электр энергиясини сотишнинг бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсади бўлиб, етказиб берилган электр энергияси учун ўзаро ҳисоб-китобларни тўлиқ ва ўз вақтида амалга ошириш учун электр энергиясини узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиниши тўғрисида ҳаққоний маълумотлар олиш ҳисобланади.

**2-§. Ҳудудий электр тармоқлари корхоналари томонидан  
электр энергиясини харид қилиш бўйича операцияларни  
бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби**

2. ХЭТК электр энергиясини, электр энергетика соҳасидаги махсус ваколатли органнинг таркибий бўлинмаси ҳисобланган электр энергиясининг ягона харид қилувчисидан электр энергиясини етказиб бериш шартномасига асосан олади. ХЭТК ҳар ойда электр энергетикаси соҳасидаги махсус ваколатли органнинг тегишли вакиллари билан биргаликда электр тармоғининг баланс бўйича мансублилик чегарасида ҳисоб-китоб даври учун электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичларини ёзиб олади.

Электр энергетикаси соҳасидаги махсус ваколатли органнинг таркибий

бўлинмаси ҳисобланган электр энергиясининг ягона харид қилувчисидан электр энергиясини сотиб олиш бўйича операциялар ХЭТКнинг бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) электр энергиясини етказиб бериш тўғрисидаги далолатномага асосан тузилган ва ХЭТК учун расмийлаштирилган счё-т-фактурага мувофиқ:

дебет 2990 «Бошқа товарлар» счётида «Электр энергияси» счётини алоҳида ажратган ҳолда;

кредит 6120 «Шўба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счё-тлар» счёти — ҳар ойлик электр энергиясини етказиб бериш тўғрисидаги далолатнома ва счё-т-фактурага асосан харид қилинган электр энергиясининг суммасига;

б) олинган счё-т-фактурага мувофиқ сотиб олинган электр энергияси бўйича ҚҚС суммасига:

дебет 4410 «Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бўнак тўловлари (турлари бўйича)» счёти;

кредит 6120 «Шўба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счё-тлар» счёти;

в) ХЭТК томонидан харид қилинаётган электр энергияси бўйича бўнак тўловлари амалга оширилганда:

дебет 4310 «ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар» счёти;

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счё-тлар (5100, 5500 ва х. к.) — ҳисобот даврида харид қилинаётган электр энергияси учун берилган бўнак суммасига;

г) харид қилинган электр энергияси учун якуний ҳисоб-китоблар амалга ошири-лаётганда илгари берилган бўнак тўловлари суммаси ҳисобга олинганда:

дебет 6120 «Шўба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счё-тлар» счёти;

кредит 4310 «ТМҚлар учун мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бўнаклар» счёти;

д) ҳисобот даври мобайнида харид қилинган электр энергияси учун якуний ҳисоб-китоблар ҳар ойлик электр энергиясини етказиб бериш тўғрисидаги далолатнома ва счё-т-фактурага мувофиқ амалга оширилганда:

дебет 6120 «Шўба ва қарам хўжалик жамиятларига тўланадиган счё-тлар» счёти;

кредит пул маблағларини ҳисобга олувчи счё-тлар (5100, 5500 ва х. к.) — илгари берилган бўнаклар ҳисобга олингандан кейин тўланган пул маблағлари суммасига.

### **3-§. Электр энергиясини истеъмолчи — юридик шахсларга сотиш бўйича операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби**

3. Бевосита ХЭТКларнинг электр тармоқларидан, ҳамда истеъмолчи

юридик шахслар ёки субистеъмолчиларнинг электр тармоқлари орқали узилаётган (еткизиб берилаётган) электр энергияси учун истеъмолчи — юридик шахслар билан ҳисоб-китоблар қонунчилиқда белгиланган тартибда тасдиқланган электр энергиясининг тегишли тарифлари бўйича электр таъминоти шартномасига асосан амалга оширилади.

4. Барча тоифадаги истеъмолчи — юридик шахсларга электр энергиясини ҳар ойда етказиб бериш, шартномага мувофиқ тегишли ой учун етказиб берилиши назарда тутилган электр энергияси ҳажмининг қийматидан қонунчилиқда белгиланган миқдорда бўнақ тўлови истеъмолчи — юридик шахс томонидан тўлангандан кейин амалга оширилади.

5. Шартномага асосан тегишли ой учун электр энергиясини етказиб бериш ҳисобига бўнақ тўловларининг келиб тушиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5100, 5200, 5500 ва х. к.);

кредит 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» счёти.

6. Истеъмолчи — юридик шахснинг электр энергияси учун қарзи бўлган тақдирда, унинг бўнақ тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди. Қарзни қоплашга йўналтирилган маблағлар, бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5100, 5200, 5500 ва х. к.);

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счётлар» счёти.

7. Истеъмолчи — юридик шахснинг айби билан шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажми тўлиқ истеъмол қилинмаган тақдирда, бўнақ тариқасида тўланган маблағларни қайтариш амалга оширилмайди ва у истеъмол қилинган электр энергияси учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

8. Истеъмолчи — юридик шахсларга ҳисобот даврида етказиб берилган (сотилган) электр энергияси ҳажми, истеъмолчи билан биргалиқда ёзиб олинган ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичларидан келиб чиқиб электр энергияси истеъмолининг амалга оширилган ҳисобланиши асосида, агарда кўрсаткичлар мавжуд бўлмаган тақдирда, электр таъминоти шартномасида кўрсатилган электр энергияси (қуввати) истеъмолининг шартномадаги миқдори асосида аниқланади.

Истеъмолчи — юридик шахс томонидан истеъмол қилинган электр энергиясининг ҳажми шартномадаги миқдорлар бўйича ҳисобланганда, кейинчалик ХЭТК томонидан истеъмолчи — юридик шахс билан биргалиқда аниқланган ҳақиқатда истеъмол қилинган электр энергияси (қуввати) учун қайта ҳисоб-китоб қилинади.

9. Электр энергияси (қуввати)нинг сотилган ҳажмини ҳисоблаш якунига мувофиқ ХЭТК ҳисоб-китобларни амалга оширади ва истеъмолчи — юри-

дик шахсга Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 222-моддасининг талабларига мувофиқ счёт-фактура ёзиб беради.

Истеъмолчи — юридик шахсда турли тариф гуруҳларига мансуб бўлган объектлар мавжуд бўлган тақдирда ҳар қайси тариф гуруҳини алоҳида кўрсатган ҳолда умумий счёт-фактура ёзилади.

10. Истеъмолчи — юридик шахсларга электр энергиясини сотиш бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счётлар» счёти;  
кредит 9020 «Товарларни сотишдан даромадлар» счёти — тасдиқловчи бирламчи ҳужжатларга (электр энергиясини етказиб бериш далолатномаси, счёт-фактура) мувофиқ электр энергиясини сотишдан тушум суммасига;

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти — сотилган электр энергияси ҳажмидан ҳисобланган ҚҚС суммасига.

11. Ҳисобот даврида сотилган электр энергияси учун якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишда илгари олинган бўнак тўловлари суммаси ҳисобга олинганда:

дебет 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» счёти;  
кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счётлар» счёти.

12. Электр энергиясини истеъмолчи — юридик шахсларга шартномадаги миқдор бўйича ҳисоблаб сотилиши, ҳамда ҳақиқатда истеъмол қилинган электр энергияси учун истеъмолчи — юридик шахслар билан қайта ҳисоб-китоб қилиниши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

а) электр энергиясини истеъмолчи — юридик шахсларга, қонунчиликда белгиланган тартибда шартномадаги ҳисобланган миқдор бўйича сотишдан тушум ҳисобланганда:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счётлар» счёти;  
кредит 9020 «Товарларни сотишдан даромадлар» счёти — электр энергиясини истеъмолчи — юридик шахсларга, «Ўзбекэнерго» ДАК томонидан қонунчиликка мувофиқ ишлаб чиқилган ва «Ўздавэнергоназорат» давлат инспекцияси (кейинги ўринларда — «Ўздавэнергоназорат» ДИ) томонидан тасдиқланган ХЭТК ва истеъмолчи — юридик шахс ўртасидаги электр таъминоти шартномасига асосан ҳисобланган шартномадаги миқдор бўйича сотишдан олинган тушум суммасига;

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти — юридик шахсларга сотилган электр энергиясининг шартномадаги миқдори бўйича ҳисобланган ҳажмдан ҳисобланган ҚҚС суммасига.

б) истеъмолчи - юридик шахсларга сотилган электр энергиясининг таннарини акс эттириш:

дебет 9120 «Сотилган товарларнинг таннари» счёти;  
кредит 2990 «Бошқа товарлар» счётида «Электр энергияси» счётини алоҳида ажратган ҳолда — қонунчиликда белгиланган тартибда электр энергияси истеъмолининг шартномадаги ҳисобланган миқдори бўйича сотиш ҳажми (миқдори) ва электр энергиясини сотиб олиш қийматидан келиб

чиққан ҳолда ҳисобланган истеъмолчи — юридик шахсларга сотилган электр энергиясининг таннархи (сотиб олиш қиймати) суммасига;

в) ҳисобот даври мобайнида электр энергияси истеъмолининг шартномадаги ҳисобланган миқдори бўйича ҳар бир истеъмолчи — юридик шахс бўйича сотишдан олинган тушум тан олинганда ва унда, илгари олинган бўнак тўловлари суммаси ҳисобга олинганда:

дебет 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» счёти;

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти;

г) истеъмолчи — юридик шахслар томонидан ҳақиқатда истеъмол қилинган электр энергияси учун кейинчалик қайта ҳисоб-китоб қилинганда:

электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичларига мувофиқ истеъмолчи — юридик шахслар томонидан ҳақиқатда истеъмол қилинган электр энергияси қийматининг шартномадаги ҳисобланган миқдор бўйича тан олинган сотиш тушуми суммасидан ошган суммасига (ижобий фарқ):

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти;

кредит 9020 «Товарларни сотишдан даромадлар» счёти;

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти — ижобий фарқ суммасидан ҳисобланган ҚҚС суммасига;

ижобий фарқ ҳажми таннархини акс эттириш:

дебет 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи» счёти;

кредит 2990 «Бошқа товарлар» счётида «Электр энергияси» счётини алоҳида ажратган ҳолда — қайта ҳисоб-китоб қилиш давридаги ижобий фарқ ҳажми (миқдори) ва электр энергиясининг сотиб олиш қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган ижобий фарқ ҳажми таннархи суммасига;

истеъмол қилинган электр энергиясининг ижобий фарқи суммасига, илгари олинган бўнак тўловларининг қолган суммаси ҳисобга олинганда:

дебет 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» счёти;

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти;

шартномадаги ҳисобланган миқдор бўйича тан олинган сотиш тушуми суммасининг, электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичларига мувофиқ истеъмолчи — юридик шахслар томонидан ҳақиқатда истеъмол қилинган электр энергияси қийматидан ошган суммасига (салбий фарқ):

дебет 9020 «Товарларни сотишдан даромадлар» счёти;

дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти — салбий фарқ суммасидан ҳисобланган ҚҚС суммасига;

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти;

салбий фарқ ҳажми таннархининг тузатилишини акс эттириш:

дебет 2990 «Бошқа товарлар» счётида «Электр энергияси» счётини алоҳида ажратган ҳолда — қайта ҳисоб-китоб қилиш давридаги салбий фарқ ҳажми (миқдори) ва электр энергиясининг сотиб олиш қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган салбий фарқ ҳажмининг таннархи суммасига;

кредит 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи» счёти;

шартномадаги ҳисобланган миқдордан келиб чиқиб истеъмол қилинган электр энергияси бўйича истеъмолчи — юридик шахснинг қарздорлиги бўлмаган ҳолатда, ёки ХЭТКнинг илгари олинган аванс тўловлари бўйича юридик шахсдан қарздорлиги мавжуд бўлган ҳолатда, салбий фарқ суммасига қуйидагича бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счёtlар» счёti;

кредит 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» счёti.

13. Истеъмолчи — юридик шахснинг айби билан ҳисобга олиш асбоби бузилган: ҳисобга олиш асбобини ишга тушириш схемаси ўзгарган, ҳисобга олиш асбобидан ташқари электр қабул қилгичлар уланган ёки электр энергияси бошқача усулда ўғирланган ҳолларда электр қабул қилгичларнинг уланган қуввати ва истеъмолчи — юридик шахснинг электр таъминоти шартномасида кўрсатилган ишлаш соатлари бўйича электр энергияси сарфини тасдиқловчи ҳужжат асосида қайта ҳисоблаб чиқилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счёtlар» счёti;

кредит 9020 «Товарларни сотишдан даромадлар» счёti;

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёti — электр энергияси сарфини қайта ҳисобланган ҳажмидан ҳисобланган ҚҚС суммасига;

истеъмолчи — юридик шахснинг айби билан ва/ёки бошқа шунга ўхшаш ҳолларда ҳисобга олиш асбоби бузилган ҳолатларда, қўшимча равишда қайта ҳисобланган электр энергияси сарфининг таннархини акс эттириш:

дебет 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи» счёti;

кредит 2990 «Бошқа товарлар» счётида «Электр энергияси» счётини алоҳида ажратган ҳолда — қўшимча равишда қайта ҳисобланган давр мобайнида қонунчиликда белгиланган тартибда электр энергияси истеъмолининг шартномадаги ҳисобланган миқдори бўйича сотиш ҳажми (миқдори)дан ва электр энергиясини сотиб олиш қийматидан келиб чиққан ҳолда қўшимча равишда қайта ҳисобланган электр энергияси сарфининг таннархи суммасига.

14. Ўзларининг электр қурилмаларини ХЭТКнинг электр тармоқларига ўзбошимчалик билан улаган тақдирда, истеъмолчи-юридик шахс томонидан фойдаланилган электр энергияси ҳажми бўйича ундириладиган сумманинг ҳисобланиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счёtlар» счёti;

кредит 9020 «Товарларни сотишдан даромадлар» счёti;

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёti — ўзбошимчалик билан уланган тақдирда, истеъмолчи — юридик шахсдан ундириладиган электр энергияси ҳажмидан ҳисобланган ҚҚС суммасига;

ўзларининг электр қурилмаларини ХЭТКнинг электр тармоқларига ўзбошимчалик билан улаган тақдирда, истеъмолчи-юридик шахслар томонидан фойдаланилган электр энергияси таннархининг ҳисобдан чиқарилиши:

дебет 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи» счёti;

кредит 2990 «Бошқа товарлар» счётида «Электр энергияси» счётини

алоҳида ажратган ҳолда — ўзларининг электр қурилмаларини ХЭТКнинг электр тармоқларига ўзбошимчалик билан улаган ҳолларда, ундириш ҳисобланган давр мобайнида электр энергиясининг фойдаланилган ҳажми (миқдори) ва сотиб олиш қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган истеъмолчи-юридик шахс томонидан фойдаланилган электр энергиясининг таннарни суммасига.

15. Истеъмолчи — юридик шахслар, ой мобайнида етказиб берилган электр энергияси учун якуний ҳисоб-китобларни, қонунчиликка мувофиқ тузилган электр таъминоти шартномасида кўрсатилган муддатларда амалга оширади. Агарда, якуний ҳисоб-китоблар кўрсатилган муддатларда амалга оширилмаган бўлса, ХЭТК истеъмолчилар — юридик шахсга электр энергиясини етказиб беришни тўхтатади, бундан электр энергияси етказиб беришнинг махсус тартибига эга бўлган корхоналар мустасно. Айни бир вақтда, ХЭТК истеъмолчи — юридик шахснинг шахсий варақасидаги маълумотлар асосида, ҳисоб-китоб қилинаётган ойда етказиб берилган электр энергияси суммасидан амалга оширилган тўловлар суммасини чиқариб ташлаган ҳолда хизмат кўрсатувчи банк орқали акцептланган тўлов талабномасини тақдим этади.

16. Ҳисобот даври мобайнида сотилган электр энергияси бўйича ёзилган счёт-фактурага мувофиқ якуний ҳисоб-китоблар учун пул маблағлари келиб тушганда:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5100, 5500 ва ҳ. к.);

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счётлар» счёти — илгари олинган бўнақларни ҳисобга олгандан кейин олинган пул маблағлари суммасига.

17. ХЭТК томонидан шартномавий миқдордан ортиқча электр энергияси ва қувватини истеъмол қилганлиги учун жарима санкциялари ҳисобланганда, ҳамда истеъмолчи — юридик шахс томонидан олинган электр энергияси қийматини ўз вақтида тўламаганлиги учун пенялар ҳисобланган ҳолларда, ҳисобланган жарима санкциялари ва пенялар суммалари бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 4860 «Даъволар бўйича олинган счётлар» счёти;

кредит 9330 «Ундирилган жарима, пеня ва устамалар» счёти.

18. Электр энергиясини ҳисобга олиш истеъмолчи-юридик шахснинг айбисиз вақтинчалик бузилганда, етказиб берилган электр энергияси учун ҳисоб-китоб ХЭТКнинг қарорига кўра, ҳисобга олиш бузилишига қадар бўлган олдинги ҳисоб-китоб давридаги ёки ҳисобга олиш тиклангандан кейинги даврдаги ўртача суткалик сарф бўйича амалга оширилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар амалга оширилади:

а) электр энергиясини ҳисобга олиш истеъмолчи — юридик шахснинг айбисиз вақтинчалик бузилганда, ХЭТКнинг далолатномаси ва тўлов учун қўшимча ёзиб берилган тўлов ҳужжати асосида истеъмолчи — юридик шахсга сотилган электр энергияси ҳажмининг ҳисобга олиш бузилишига қадар бўлган олдинги ҳисоб-китоб давридаги ўртача суткалик сарфи бўйича ҳисобланиши:



дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти;  
кредит 9020 «Товарларни сотишдан даромадлар» счёти;  
кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти  
— қўшимча ҳисобланган сотилган электр энергияси ҳажмидан ҳисобланган ҚҚС суммасига;

б) қўшимча ҳисобланган сотилган электр энергияси ҳажми таннархини акс эттириш:

дебет 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи» счёти;

кредит 2990 «Бошқа товарлар» счётида «Электр энергияси» счётини алоҳида ажратган ҳолда — қўшимча равишда ҳисобланган давр мобайнида қонунчиликда белгиланган тартибда, электр энергияси истеъмолининг шартномадаги ҳисобланган миқдори бўйича сотиш ҳажми (миқдори)дан ва электр энергиясини сотиб олиш қийматидан келиб чиқиб қўшимча равишда ҳисобланган электр энергияси таннархи (сотиб олиш қиймати) суммасига.

19. Ҳисоб-китоб даври учун электр энергияси (қуввати)нинг ортиқча олинган ҳажми, истеъмолчи — юридик шахснинг ҳисоботи билан ёки солиштириш далолатномаси билан тасдиқланган ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичлари бўйича аниқланади ва у жарима миқдорини ҳисоблаш учун асос ҳисобланади.

20. ХЭТК жарима санкциялари ва пенялар бўйича алоҳида ҳисобни юритади, уларни ҳисоботларда алоҳида устунда акс эттиради ва улар бўйича алоҳида тўлов талабномаларини расмийлаштиради ва тақдим этади.

#### **4-§. Электр энергиясини маиший истеъмолчи (аҳоли)га сотиш бўйича операцияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби**

21. Маиший истеъмолчи томонидан ҳисоб-китоб даврида ҳақиқатда истеъмол қилинган электр энергияси миқдори маиший истеъмолчидаги ҳисобга олиш асбобининг кўрсаткичлари бўйича аниқланади.

22. Ҳисобга олиш асбоби кўрсаткичларини навбатдаги ёзиб олиш пайтигача маиший истеъмолчига ҳисоб-китоб даврида етказиб берилган электр энергияси ҳажми, электр энергияси истеъмолининг шартномадаги миқдори бўйича ёки ўтган давр учун электр энергияси истеъмолининг ҳақиқий ҳажми тўғрисидаги маълумотлар асосида, яъни охириг иккита айланиб чиқишдаги ҳисобга олиш асбоби кўрсаткичлари ўртасидаги фарқни улар ўртасидаги кунлар сонига бўлиб ва ҳисоб-китоб давридаги кунлар сонига кўпайтириб аниқланган ўртача суткалик истеъмол ҳажмидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланиши мумкин.

23. Маиший истеъмолчидан истеъмол қилинадиган электр энергияси ҳисобига келиб тушадиган бўнак тўловлари бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет пул маблағларини ҳисобга олувчи счётлар (5100, 5200, 5500 ва х. к.);

кредит 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнаклар» счёти.

24. Қонунчиликда белгиланган тартибда ҳажми аниқланиб, маиший истеъмолчиларга сотилган электр энергиясининг бухгалтерия ҳисоби қуйидагича амалга оширилади:

а) қонунчиликда белгиланган тартибда, электр энергияси истеъмолининг шартномадаги ҳисобланган миқдори бўйича ёки ўтган даврлар учун электр энергиясининг ҳақиқий сарфи тўғрисидаги маълумотлар асосида электр энергиясини маиший истеъмолчиларга сотишдан тушум ҳисобланганда:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счёtlар» счёti;

кредит 9020 «Товарларни сотишдан даромadлар» счёti — электр энергиясининг шартномадаги миқдори бўйича ёки ўтган даврлар учун электр энергиясининг ҳақиқий сарфи тўғрисидаги маълумотлар асосидаги ҳисоб-китобларга мувофиқ электр энергиясини маиший истеъмолчиларга сотишдан тушум суммасига;

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёti — электр энергиясининг шартномадаги миқдorigа мувофиқ ёки ўтган даврлар учун электр энергиясининг ҳақиқий сарфи тўғрисидаги маълумотлар асосида электр энергиясини маиший истеъмолчиларга сотилган ҳажмидан ҳисобланган ҚҚС суммасига;

б) маиший истеъмолчиларга сотилган электр энергиясининг таннархи-ни акс эттириш:

дебет 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи» счёti;

кредит 2990 «Бошқа товарлар» счётида «Электр энергияси» счётини алоҳида ажратган ҳолда — қонунчиликда белгиланган тартибда, электр энергияси истеъмолининг шартномадаги ҳисобланган миқдори бўйича ёки ўтган даврлар учун электр энергиясининг ҳақиқий сарфи тўғрисидаги маълумотлар асосида сотилган ҳажми (миқдори)дан ва электр энергиясининг сотиб олиш қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган маиший истеъмолчиларга сотилган электр энергиясининг таннархи (сотиб олиш қиймати) суммасига;

в) ҳисобот даври мобайнида электр энергиясини шартномадаги ҳисобланган миқдори бўйича сотишдан тушум ҳар бир маиший истеъмолчи бўйича тан олинганда илгари олинган бўнақ тўловлари ҳисобга олинганда:

дебет 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» счёti;

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счёtlар» счёti;

г) маиший истеъмолчилар томонидан ҳақиқатда истеъмол қилинган электр энергияси учун кейинчалик қайта ҳисоб-китоб қилинганда:

электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичларига мувофиқ маиший истеъмолчилар томонидан ҳақиқатда истеъмол қилинган электр энергияси қийматининг шартномадаги ҳисобланган миқдор бўйича ёки ўтган даврлар учун электр энергиясининг ҳақиқий сарфи тўғрисидаги маълумотлар асосида тан олинган сотиш тушуми суммасидан ошган суммасига (ижобий фарк):

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счёtlар» счёti;

кредит 9020 «Товарларни сотишдан даромadлар» счёti;

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти — ижобий фарқ суммасидан ҳисобланган ҚҚС суммасига;

ижобий фарқ ҳажми таннархини акс эттириш:

дебет 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи» счёти;

кредит 2990 «Бошқа товарлар» счётида «Электр энергияси» счётини алоҳида ажратган ҳолда — қайта ҳисоб-китоб қилиш давридаги ижобий фарқ ҳажми (миқдори) ва электр энергиясининг сотиб олиш қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган ижобий фарқ ҳажмининг таннархи (сотиб олиш қиймати) суммасига;

илгари олинган бўнак тўловларининг қолган суммаси мавжуд бўлган ҳолларда, уларни истеъмол қилинган электр энергиясининг ижобий фарқи суммасига ҳисобга олинганда:

дебет 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» счёти;

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти;

шартномадаги ҳисобланган миқдор бўйича ёки ўтган даврлар учун электр энергиясининг ҳақиқий сарфи тўғрисидаги маълумотлар асосида тан олинган сотиш тушуми суммасининг, электр энергиясини ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичларига мувофиқ маиший истеъмолчилар томонидан ҳақиқатда истеъмол қилинган электр энергияси қийматидан ошган суммасига (салбий фарқ):

дебет 9020 «Товарларни сотишдан даромадлар» счёти;

дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти — салбий фарқ суммасидан ҳисобланган ҚҚС суммасига;

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти;

салбий фарқ ҳажми таннархининг тузатилишини акс эттириш:

дебет 2990 «Бошқа товарлар» счётида «Электр энергияси» счётини алоҳида ажратган ҳолда — қайта ҳисоб-китоб қилиш давридаги салбий фарқ ҳажми (миқдори) ва электр энергиясининг сотиб олиш қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган салбий фарқ ҳажмининг таннархи (сотиб олиш қиймати) суммасига;

кредит 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи» счёти;

шартномадаги ҳисобланган миқдордан келиб чиқиб ёки ўтган даврлар учун электр энергиясининг ҳақиқий сарфи тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисобланган истеъмол қилинган электр энергияси бўйича маиший истеъмолчининг қарздорлиги бўлмаган ҳолатда, ёки ХЭТКнинг илгари олинган аванс тўловлари бўйича маиший истеъмолчидан қарздорлиги мавжуд бўлган ҳолатда, салбий фарқ суммасига қуйидагича бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти;

кредит 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» счёти.

25. Маиший истеъмолчининг айби билан ҳисобга олиш асбоби бузилган: ҳисобга олиш асбобини ишга тушириш схемаси ўзгарган, ҳисобга олиш асбобидан ташқари электр қабул қилгичлар уланган ёки электр энергияси

бошқача усулда ўғирланган ҳолларда электр қабул қилгичларнинг уланган қуввати ва маиший истеъмолчининг электр таъминоти шартномасида кўрсатилган ишлаш соатлари бўйича электр энергияси сарфини тасдиқловчи ҳужжат асосида қайта ҳисоблаб чиқилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти;

кредит 9020 «Товарларни сотишдан даромадлар» счёти;

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти — электр энергияси сарфини қўшимча равишда қайта ҳисобланган ҳажмидан ҳисобланган ҚҚС суммасига;

маиший истеъмолчининг айби билан ва/ёки мазкур бандда кўрсатилган бошқа шунга ўхшаш ҳолларда, ҳисобга олиш асбоби бузилган ҳолатларда қўшимча равишда қайта ҳисобланган электр энергияси сарфининг таннарини акс эттириш:

дебет 9120 «Сотилган товарларнинг таннари» счёти;

кредит 2990 «Бошқа товарлар» счётида «Электр энергияси» счётини алоҳида ажратган ҳолда — қўшимча равишда қайта ҳисобланган давр мобайнида қонунчиликда белгиланган тартибда электр энергияси истеъмолининг шартномада ҳисобланган миқдори бўйича ёки ўтган даврлар учун электр энергиясининг ҳақиқий сарфи тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисобланган сотиш ҳажми (миқдори)дан ва электр энергиясини сотиб олиш қийматидан келиб чиққан ҳолда қўшимча равишда қайта ҳисобланган электр энергияси сарфининг таннари (сотиб олиш қиймати) суммасига.

26. Истеъмол қилинган электр энергияси учун маиший истеъмолчилар томонидан тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги учун, қонунчиликда ўрнатилган тартибда пеня ҳисобланган ҳолларда, ҳисобланган пеня суммаси бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 4860 «Даъволар бўйича олинадиган счётлар» счёти;

кредит 9330 «Ундирилган жарима, пеня ва устамалар» счёти.

27. Ўзларининг электр қурилмаларини ХЭТКнинг электр тармоқларига ўзбошимчалик билан улаган ҳолларда, маиший истеъмолчи томонидан фойдаланилган электр энергияси ҳажми бўйича ундириладиган сумманинг ҳисобланиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти;

кредит 9020 «Товарларни сотишдан даромадлар» счёти;

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти — ундириладиган суммадан ҳисобланган ҚҚС суммасига;

ўзларининг электр қурилмаларини ХЭТКнинг электр тармоқларига ўзбошимчалик билан улаган ҳолларда, маиший истеъмолчи томонидан фойдаланилган электр энергияси таннарининг ҳисобдан чиқарилиши:

дебет 9120 «Сотилган товарларнинг таннари» счёти;

кредит 2990 «Бошқа товарлар» счётида «Электр энергияси» счётини алоҳида ажратган ҳолда — ундириш ҳисобланилган даврда ўзларининг электр қурилмаларини ХЭТКнинг электр тармоқларига ўзбошимчалик билан улаган ҳолларда, маиший истеъмолчилар томонидан электр энергиясининг

фойдаланилган ҳажми (микдори) ва сотиб олиш қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган фойдаланилган электр энергиясининг таннархи (сотиб олиш қиймати) суммасига.

28. Электр энергиясидан фойдаланиш қондасини бузганлиги учун маиший истеъмолчига қонунчиликда белгиланган тартибда жарима санкцияларининг ҳисобланиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 4860 «Даъволар бўйича олинадиган счётлар» счёти;

кредит 9330 «Ундирилган жарима, пеня ва устамалар» счёти — электр энергиясидан фойдаланиш қондасини бузганлиги учун маиший истеъмолчига қонунчиликда белгиланган тартибда ҳисобланган жарима санкциялари суммасига.

29. Электр энергиясини ҳисобга олиш маиший истеъмолчининг айбисиз вақтинчалик бузилганда етказиб берилган электр энергияси учун ҳисобкитоб ХЭТКнинг қарорига кўра, ҳисобга олиш бузилишига қадар бўлган олдинги ҳисоб-китоб давридаги ёки ҳисобга олиш тиклангандан кейинги даврдаги ўртача суткалик сарф бўйича амалга оширилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидаги ёзувлар амалга оширилади:

а) электр энергиясини ҳисобга олиш маиший истеъмолчининг айбисиз вақтинчалик бузилганда, ХЭТКнинг далолатномаси ва тўлов учун қўшимча ёзиб берилган тўлов ҳужжати асосида маиший истеъмолчига сотилган электр энергияси ҳажмининг ҳисобга олиш бузилишига қадар бўлган олдинги ҳисоб-китоб давридаги ўртача суткалик сарфи бўйича ҳисобланиши:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти;

кредит 9020 «Товарларни сотишдан даромадлар» счёти;

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти — қўшимча ҳисобланган ҳажм суммасидан ҳисобланган ҚҚС суммасига;

б) қўшимча ҳисобланган сотилган электр энергияси ҳажми таннарини акс эттириш:

дебет 9120 «Сотилган товарларнинг таннари» счёти;

кредит 2990 «Бошқа товарлар» счётида «Электр энергияси» счётини алоҳида ажратган ҳолда — қўшимча равишда ҳисобланган давр мобайнида қонунчиликда белгиланган тартибда, электр энергияси истеъмолининг шартномадаги ҳисобланган микдори бўйича ёки ўтган даврлар учун электр энергиясининг ҳақиқий сарфи тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисобланган сотиш ҳажми (микдори)дан ва электр энергиясини сотиб олиш қийматидан келиб чиқиб қўшимча равишда ҳисобланган электр энергияси таннари (сотиб олиш қиймати) суммасига.

**5-§. Ҳисоб-китоб даврида ХЭТК томонидан қабул қилинган ва истеъмолчиларга етказиб берилган электр энергияси ҳажмларидаги тафовутни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби**

30. Электр энергиясини электр тармоқлари орқали узатиш вақтида «Ўздавэнергоназорат» ДИ тасдиқлаган меъёр доирасидаги технологик сарф

миқдори, қабул қилинган электр энергиясининг сотиб олиш қиймати бўйича ҳисобланган ҳолда давр харажатларига олиб борилади ва бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс этирилади:

дебет 9410 «Сотиш харажатлари» счёти;

кредит 2990 «Бошқа товарлар» счётида «Электр энергияси» счётини алоҳида ажратган ҳолда.

31. Ҳисоб-китоб даврида ХЭТК томонидан истеъмолчиларга етказиб берилган электр энергиясининг миқдори, мазкур Низомнинг 8, 21 ва 22-бандларида назарда тутилган тартибда аниқланади.

32. Ҳисоб-китоб даврида ХЭТК томонидан қабул қилинган электр энергиясининг миқдори, мазкур Низомнинг 2-бандида назарда тутилган тартибда аниқланади.

33. Ҳисоб-китоб даврида ХЭТК томонидан истеъмолчиларга етказиб берилган электр энергияси миқдори ва худди шу даврда ХЭТК томонидан қабул қилинган электр энергияси миқдори ўртасидаги тафовут, ва бундан электр энергиясини электр тармоқларида узатиш вақтида «Ўздавэнергоназорат» ДИ тасдиқлаган меъёрлар доирасидаги (миқёсидаги) технологик сарф миқдорини чегирган ҳолда, бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс этирилади:

а) ҳисобот йили мобайнида:

ҳисоб-китоб даврида истеъмолчиларга етказиб берилган электр энергияси ҳажмининг, худди шу даврда ХЭТК томонидан қабул қилинган электр энергияси ҳажмидан ҳар ойда ошган миқдорини электр энергиясини сотиб олиш қиймати бўйича ҳисоблаб ва бундан электр энергиясини электр тармоқларида узатиш вақтида «Ўздавэнергоназорат» ДИ тасдиқлаган меъёрлар доирасидаги технологик сарф миқдорини чегирган ҳолда аниқланган суммага:

дебет 2990 «Бошқа товарлар» счётида «Электр энергияси» счётини алоҳида ажратган ҳолда;

кредит материаллар қийматидаги фарқларни ҳисобга олувчи счётлар (1600)да «Етказиб берилган электр энергияси қийматидаги тафовут» счётини алоҳида ажратган ҳолда;

ҳисоб-китоб даврида ХЭТК томонидан қабул қилинган электр энергияси ҳажмининг, худди шу даврда истеъмолчиларга етказиб берилган электр энергияси ҳажмидан ҳар ойда ошган миқдорини электр энергиясини сотиб олиш қиймати бўйича ҳисоблаб ва бундан электр энергиясини электр тармоқларида узатиш вақтида «Ўздавэнергоназорат» ДИ тасдиқлаган меъёрлар доирасидаги технологик сарф миқдорини чегирган ҳолда аниқланган суммага:

дебет материаллар қийматидаги фарқларни ҳисобга олувчи счётлар (1600)да «Етказиб берилган электр энергияси қийматидаги тафовут» счётини алоҳида ажратган ҳолда;

кредит 2990 «Бошқа товарлар» счётида «Электр энергияси» счётини алоҳида ажратган ҳолда;

б) ҳисобот йили тугагандан сўнг материаллар қийматидаги фарқларни ҳисобга олувчи счётлар (1600)да алоҳида ажратиб кўрсатилган «Етказиб

берилган электр энергияси қийматидаги тафовут» счётининг дебет қолдиғи, ҳисобот даврининг харажатларига бошқа операцион харажатлар сифатида олиб борилади ва қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

бирламчи ҳужжатларга асосланган ҳисоб-китоблар бўйича (мазкур Низомнинг 1, 2 ва 3-иловалари) ҳисоб-китоб даврида ХЭТК томонидан қабул қилинган электр энергияси ҳажми билан, худди шу даврда истеъмолчиларга етказиб берилган электр энергияси ҳажми ўртасидаги тафовут суммасига ва бундан «Ўздавэнергоназорат» ДИ тасдиқлаган меъёрлар доирасидаги электр энергиясининг технологик сарфи микдорини чегирган ҳолда:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти;

кредит материаллар қийматидаги фарқларни ҳисобга олувчи счётлар (1600)да «Етказиб берилган электр энергияси қийматидаги тафовут» счётини алоҳида ажратган ҳолда;

айни бир вақтнинг ўзида, ҳисобот даврида ХЭТК томонидан қабул қилинган электр энергиясининг ҳажми ва истеъмолчиларга етказиб берилган электр энергияси ҳажми ўртасидаги тафовутга тўғри келадиган, илгари ҳисобга олишга олиб борилган ва ҳисобга олишдан чиқариб ташланиши лозим бўлган ҚҚС суммасининг тузатилиши, бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти;

кредит бюджетга бўнак тўловларини ҳисобга олувчи счётлар (4400) — материаллар қийматидаги фарқларни ҳисобга олувчи счётларнинг (1600) дебет қолдиғи суммасига тўғри келадиган ва ҳисобот даврининг харажатларига олиб бориладиган ҚҚС суммасига;

материаллар қийматидаги фарқларни ҳисобга олувчи счётлар (1600)да алоҳида ажратиб кўрсатилган «Етказиб берилган электр энергияси қийматидаги тафовут» счётининг кредит қолдиғи бошқа операцион даромадларга олиб борилади ва қуйидаги бухгалтерия ёзуви амалга оширилади:

дебет материаллар қийматидаги фарқларни ҳисобга олувчи счётлар (1600)да «Етказиб берилган электр энергияси қийматидаги тафовут» счётини алоҳида ажратган ҳолда;

кредит 9390 «Бошқа операцион даромадлар» счёти.

#### **6-§. Маиший истеъмолчилар билан ҳисоб-китобларда тарифлар ўзгариши натижасини бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби**

34. Электр энергиясининг амалдаги тарифлари ўзгарган тақдирда, ХЭТК ахборотни оммавий ахборот воситалари орқали қонунчиликда ўрнатилган тартибда маиший истеъмолчиларга етказди.

Бунда, электр энергиясига тарифлар ўзгарган санадан қатъи назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва маиший истеъмолчи олинган электр энергияси ва қуввати учун янги тариф бўйича у жорий этилган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир.

Бунда маиший истеъмолчи, тариф оширилган тақдирда, электр энергия-

сининг тўлов кунидан бошлаб 12 ойдан кўп бўлмаган вақт учун аванс тарзида ҳақ тўланган миқдори учун қўшимча тўловлардан озод қилинади.

35. Тарифлар ўзгарган санагача истеъмол қилинган электр энергияси миқдори эски тарифлар бўйича тўланади.

36. Маиший истеъмолчи истеъмол қилган электр энергиясининг тарифлар ўзгарган санадан бошлаб сотилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича амалга оширилади:

а) маиший истеъмолчилардан илгари олинган бўнак тўловлари доирасида, аммо тўлов кунидан бошлаб 12 ойдан кўп бўлмаган вақт учун эски тарифлар бўйича ҳисобланган электр энергиясини сотишдан тушум ҳисобланганда:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти;

кредит 9020 «Товарларни сотишдан даромадлар» счёти — тариф ўзгарган санадан бошлаб харидорлардан эски тарифлар бўйича олинган бўнак тўловлари доирасида, электр энергиясини эски тариф бўйича сотиш суммасига;

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти — электр энергиясини маиший истеъмолчига сотиш ҳажмидан ҳисобланган ҚҚС суммасига;

б) электр энергиясининг, маиший истеъмолчилардан эски тариф бўйича илгари олинган бўнак тўловлари суммасидан ошган қисмидан, янги тариф бўйича сотишдан тушум ҳисобланганда:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти;

кредит 9020 «Товарларни сотишдан даромадлар» счёти — тарифлар ўзгарган санадан бошлаб электр энергиясининг маиший истеъмолчилардан эски тариф бўйича илгари олинган бўнак тўловлари суммасидан ошган қисмидан, янги тариф бўйича сотиш суммасига;

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти — электр энергиясини маиший истеъмолчига сотиш ҳажмидан ҳисобланган ҚҚС суммасига;

в) тарифлар ўзгарган санадан бошлаб сотилган электр энергиясининг таннархини акс эттириш:

дебет 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи» счёти;

кредит 2990 «Бошқа товарлар» счётида «Электр энергияси» счётини алоҳида ажратган ҳолда — маиший истеъмолчиларга сотилган электр энергиясининг таннархи суммасига;

г) тариф ўзгарган санадан бошлаб истеъмол қилинган электр энергиясини сотишдан тушумни, ҳар бир маиший истеъмолчи бўйича эски тариф билан ҳисобланиб тан олишда, илгари олинган бўнак тўловлари ҳисобга олинганда:

дебет 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнақлар» счёти;

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти — илгари олинган ва эски тариф бўйича ҳисобланган бўнак тўловларини ҳисобга олиш суммасига;

д) эски тариф бўйича илгари олинган бўнак тўловлари суммаси, тариф ўзгарган санадан бошлаб 12 ойдан кўп бўлган вақтда ҳар бир маиший ис-



теъмолчи бўйича янги тариф бўйича истеъмол қилинган электр энергиясини сотишдан тушумни тан олишда ҳисобга олинганда:

дебет 6310 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган бўнак тўловлари» счёти;

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти — янги тариф бўйича ҳисобланган илгари олинган бўнак тўловларини ҳисобга олиш суммасига;

37. Ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичларининг охири ёзиб олиш санасидан тарифлар ўзгарган санагача маиший истеъмолчи ҳақиқатда истеъмол қилган электр энергиясининг қайта ҳисоб-китобини амалга ошириш мақсадида, мазкур давр учун ўртача суткалик истеъмол, тарифлар ўзгарган пайдан кейин ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичларидан олинган истеъмол қилинган электр энергиясининг ҳақиқатдаги кўрсаткичлари асосида аниқланади. Ўз навбатида, қайта ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида, тўлов ҳужжатлари бўйича олинган истеъмол қилинган электр энергияси кўрсаткичлари, истеъмол қилинган электр энергиясининг ҳақиқий кўрсаткичлари сифатида фойдаланилмайди.

38. Ҳисобга олиш асбобларининг ҳақиқатдаги кўрсаткичларига мувофиқ маиший истеъмолчи томонидан истеъмол қилинган электр энергияси қийматининг, электр энергиясини шартномадаги ҳисобланган миқдори бўйича ёки ўтган даврлар учун электр энергиясининг ҳақиқий сарфи тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисобланган сотиш тушуми суммасидан кўп бўлганда (ижобий фарқ):

а) ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичларини охири марта ёзиб олиш санасидан бошлаб то тарифлар ўзгарган санагача бўлган давр учун:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти;

кредит 9020 «Товарларни сотишдан даромадлар» счёти — ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичларини охири марта ёзиб олиш санасидан то тарифлар ўзгарган санагача бўлган даврда юзага келган ижобий фарқ суммасига. Бунда ижобий фарқ суммаси, тарифлар ўзгаргандан кейин ёзиб олинган ҳисобга олиш асбобларининг ҳақиқатдаги кўрсаткичлари асосида, мазкур давр учун ўртача суткалик истеъмолдан келиб чиқиб ҳисобланади;

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти — ушбу ижобий фарқ суммасидан ҳисобланган ҚҚС суммасига;

б) мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган давр учун ижобий фарқ ҳажмининг таннархини акс эттириш:

дебет 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи» счёти;

кредит 2990 «Бошқа товарлар» счётида «Электр энергияси» счётини алоҳида ажратган ҳолда — қайта ҳисоб-китоб қилиш давридаги ижобий фарқ ҳажми (миқдори) ва электр энергиясининг сотиб олиш қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган ижобий фарқ ҳажмининг таннархи суммасига;

в) тарифлар ўзгарган санадан бошлаб ҳисобга олиш асбобларининг ҳақиқатдаги кўрсаткичларини ёзиб олиш санасигача бўлган давр учун:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти;

кредит 9020 «Товарларни сотишдан даромадлар» счёти — тарифлар

ўзгарган санадан бошлаб ҳисобга олиш асбобларининг ҳақиқатдаги кўрсаткичларини ёзиб олиш санасигача бўлган даврда юзага келган ижобий фарқ суммасига;

кредит 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти — ушбу ижобий фарқ суммасидан ҳисобланган ҚҚС суммасига;

г) мазкур банднинг «в» кичик бандида кўрсатилган давр учун ижобий фарқ ҳажмининг таннархини акс эттириш:

дебет 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи» счёти;

кредит 2990 «Бошқа товарлар» счётида «Электр энергияси» счётини алоҳида ажратган ҳолда — қайта ҳисоб-китоб қилиш давридаги ижобий фарқ ҳажми (миқдори) ва электр энергиясининг сотиб олиш қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган ижобий фарқ ҳажмининг таннархи суммасига.

39. Электр энергиясини шартномадаги ҳисобланган миқдори бўйича ёки ўтган даврлар учун электр энергиясининг ҳақиқий сарфи тўғрисидаги маълумотлар асосида ҳисобланган сотиш тушуми суммасининг ҳисобга олиш асбобларининг ҳақиқатдаги кўрсаткичларига мувофиқ маиший истеъмолчи томонидан истеъмол қилинган электр энергияси қийматидан кўп бўлганида (салбий фарқ):

а) ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичларини охириги марта ёзиб олиш санасидан бошлаб то тарифлар ўзгарган санагача бўлган давр учун:

дебет 9020 «Товарларни сотишдан даромадлар» счёти — ҳисобга олиш асбоблари кўрсаткичларини охириги марта ёзиб олиш санасидан то тарифлар ўзгарган санагача бўлган даврда юзага келган салбий фарқ суммасига. Бунда салбий фарқ суммаси, тарифлар ўзгаргандан кейин ёзиб олинган ҳисобга олиш асбобларининг ҳақиқатдаги кўрсаткичлари асосида, мазкур давр учун ўртача суткалик истеъмолдан келиб чиқиб ҳисобланади;

дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти — ушбу салбий фарқ суммасидан ҳисобланган ҚҚС суммасига;

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти;

б) мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган давр учун салбий фарқ ҳажмининг таннархини акс эттириш:

дебет 2990 «Бошқа товарлар» счётида «Электр энергияси» счётини алоҳида ажратган ҳолда — қайта ҳисоб-китоб қилиш давридаги салбий фарқ ҳажми (миқдори) ва электр энергиясининг сотиб олиш қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган салбий фарқ ҳажмининг таннархи суммасига;

кредит 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи» счёти;

в) тарифлар ўзгарган санадан бошлаб ҳисобга олиш асбобларининг ҳақиқатдаги кўрсаткичларини ёзиб олиш санасигача бўлган давр учун:

дебет 9020 «Товарларни сотишдан даромадлар» счёти — тарифлар ўзгарган санадан бошлаб ҳисобга олиш асбобларининг ҳақиқатдаги кўрсаткичларини ёзиб олиш санасигача бўлган даврда юзага келган салбий фарқ суммасига;

дебет 6410 «Бюджетга тўловлар бўйича қарз (турлари бўйича)» счёти — ушбу салбий фарқ суммасидан ҳисобланган ҚҚС суммасига;

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти;

г) мазкур банднинг «в» кичик бандида кўрсатилган давр учун салбий фарқ ҳажмининг таннархини акс эттириш:

дебет 2990 «Бошқа товарлар» счётида «Электр энергияси» счётини алоҳида ажратган ҳолда — қайта ҳисоб-китоб қилиш давридаги ижобий фарқ ҳажми (миқдори) ва электр энергиясининг сотиб олиш қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган салбий фарқ ҳажмининг таннархи суммасига;

кредит 9120 «Сотилган товарларнинг таннархи» счёти.

#### **7-§. Реактив энергия ва қувватларни компенсация қилиш учун электр энергияси тарифига чегирма ва устамаларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби**

40. Истеъмолчини таъминлайдиган электр тармоғининг катта юкламали соатларида истеъмолчи томонидан шартномавий миқдордан ортиқча реактив энергияси ва қувватини истеъмол қилганда ва ягона электр энергетика тизимининг кичик юкламали соатларида реактив энергия ҳосил қилинганда ХЭТК томонидан реактив энергия ва қувватларни компенсация қилиш учун устамаларнинг қўлланилиши бухгалтерия ҳисобида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли қарори билан тасдиқланган Электр энергияси истеъмолчилари ва ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 44-сон, 460-модда) мувофиқ бошқа операцион даромадлар сифатида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти;  
кредит 9390 «Бошқа операцион даромадлар» счёти.

41. Истеъмолчи томонидан электр тармоғининг катта юкламали соатларида ягона электр энергетика тизими тармоғида реактив энергия ҳосил қилинганда ва электр тармоғининг кичик юкламали соатларида энергия тизими тармоғидан реактив энергия истеъмол қилинганда, агар истеъмолчи бундай иш режимида ишлаши зарурати электр таъминоти шартномасида белгиланган бўлса, ХЭТК томонидан реактив энергия ва қувватларни компенсация қилиш учун чегирмаларнинг берилиши бухгалтерия ҳисобида қуйидаги тартибда акс эттирилади:

дебет 9430 «Бошқа операцион харажатлар» счёти;

кредит 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» счёти;

42. Электр тармоғининг катта юкламали соатларида реактив энергия ва қувватнинг иқтисодий қиймати, айнан шу соатларда реактив қувват ва (ёки) реактив энергия истеъмолининг бир ойдаги техникавий чегаралари, улар ҳудудий электр тармоқлари корхонаси томонидан ягона электр энергетика тизимининг ҳар қайси боғламаси бўйича электр тармоқларининг ишлаш режимлари ҳисоб-китоблари асосида белгиланади.

Юқорида қайд этилган ҳисоб-китоблар мавжуд бўлмаганда, тўлов факат ҳақиқатда истеъмол қилинган реактив энергияси учун актив энергиясининг амалдаги тарифининг 5 фоизига тенг нарх бўйича, қўшилган қиймат солиғисиз ундирилади.

43. Мазкур Низомнинг 42-бандида кўрсатилган ҳисоб-китоб мавжуд бўлмаган тақдирда, ҳақиқатда истеъмол қилинган реактив энергияси учун ундириладиган тўловларнинг ҳисобланиши бухгалтерия ҳисобида қуйидагича акс эттирилади:

дебет 4010 «Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар» счёти;

кредит 9330 «Бошқа операцион даромадлар» счёти — ҳисобланган ус-тама суммасига.

### **8-§. Электр энергиясини сотишнинг аналитик ҳисоби**

44. Электр энергиясини сотиш бўйича харидорлар билан ҳисоблашишларнинг аналитик ҳисоби ҳар бир истеъмолчи бўйича (ҳам юридик шахс, ҳам маиший истеъмолчи бўйича) алоҳида миқдор (электр энергияси ва қуввати истеъмолининг натурал ҳисоб бирлигида) ва қиймат ифодасида юритилади. Бунда, қонунчиликда назарда тутилган ҳолатлардан ташқари, бир истеъмолчининг дебитор қарздорлиги иккинчи истеъмолчининг кредитор қарздорлиги билан ўзаро ҳисоб-китоб қилинишига рухсат этилмайди, яъни истеъмолчилар бўйича қарздорлик қолдиғи молиявий ҳисоботда кенгайтирилган тарзда акс эттирилиши лозим.

45. Ҳисоб-китоб даврида истеъмолчиларга етказиб берилган ва худди шу даврда ХЭТК томонидан қабул қилинган электр энергияси ҳажми ўртасидаги фарқни, электр энергиясини электр тармоқларида узатиш вақтида «Ўздав-энергоназорат» ДИ тасдиқлаган меъёрлар доирасидаги технологик сарф миқдорини чегирган ҳолда, ҳисобдан чиқаришнинг аналитик ҳисоби ҳам миқдор (электр энергияси ва қуввати истеъмолининг натурал ҳисоб бирлигида), ҳам қиймат ифодасида юритилади.

### **9-§. Якуний қоидалар**

46. Электр энергиясини сотиш бўйича хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг ишонччилигига ва электр энергиясининг ҳар бир истеъмолчиси бўйича ҳисоб-китобларни юритилишига риоя қилиш бўйича жавобгарлик ХЭТК ва электр таъминоти корхоналарининг тегишли раҳбарлари зиммасига юклатилади.

47. Мазкур Низом «Ўзбекэнерго» Давлат Акциядорлик Компанияси билан келишилган.

**«Ўзбекэнерго» ДАК**  
**Бошқарув раиси**

**Б. ТЕШАБАЕВ**

*2010 йил 7 июль*

Электр энергиясини сотишни бухгалтерия ҳисобида  
акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

263-модда

\_\_\_\_\_ тумани (шаҳри)нинг электр таъминоти корхонаси бўйича 20\_\_ йил  
\_\_\_\_\_ ой учун қабул қилинган электр энергиясининг ҳажми билан истеъмолчиларга  
етказиб берилган электр энергиясининг ҳажми ўртасидаги тафовутнинг  
**ҲИСОБ-КИТОБИ**

| Т/р | Кўрсаткичлар номи                                                                     | Ўлчов<br>бирлиги  | Ҳисобот даври учун<br>электр энергияси<br>миқдори | Йил бошидан буён<br>электр энергияси<br>миқдори |
|-----|---------------------------------------------------------------------------------------|-------------------|---------------------------------------------------|-------------------------------------------------|
| 1.  | Тармоққа қабул қилинган электр энергияси ҳажми (ресурс)                               | минг квт.<br>соат |                                                   |                                                 |
| 2.  | Меъёрдаги йўқотишлар («Ўздавэнергоназорат» ДИ томонидан<br>тасдиқланган)              | минг квт.<br>соат |                                                   |                                                 |
| 3.  | Ҳисобот даврида истеъмолчиларга ҳисобланган (етказиб бериш), жами                     | минг квт.<br>соат |                                                   |                                                 |
|     | шу жумладан:                                                                          |                   |                                                   |                                                 |
|     | юримдик шахслар бўйича                                                                | минг квт.<br>соат |                                                   |                                                 |
|     | аҳоли бўйича                                                                          | минг квт.<br>соат |                                                   |                                                 |
| 4.  | Ресурс ва етказиб бериш ўртасидаги тафовут (меъёрдаги йўқотишларни<br>чегирган ҳолда) | минг квт.<br>соат |                                                   |                                                 |

Электр таъминоти  
корхонаси бошлиғи

М.Ў.

Электр таъминоти корхонасининг  
сотиш бўйича бошлиқ ўринбосари

М.Ў.

(Ф.И.О.)

(имзо)

(Ф.И.О.)

(имзо)

Электр энергиясини сотишни бухгалтерия ҳисобида  
акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

\_\_\_\_\_ **ХЭТК бўйича 20\_\_ йил \_\_\_\_\_ ой учун қабул қилинган**  
**электр энергиясининг ҳажми билан истеъмолчиларга етказиб берилган электр**  
**энергиясининг ҳажми ўртасидаги тафовутнинг жамланма**  
**ҲИСОБ-КИТОБИ**

| Т/р | Кўрсаткичлар номи                                                                     | Ўлчов<br>бирлиги  | Ҳисобот даври учун             |       |         | Йил бошидан буён               |       |         |
|-----|---------------------------------------------------------------------------------------|-------------------|--------------------------------|-------|---------|--------------------------------|-------|---------|
|     |                                                                                       |                   | электр<br>энергияси<br>миқдори | нархи | суммаси | электр<br>энергияси<br>миқдори | нархи | суммаси |
| 1.  | Тармоққа қабул қилинган электр энергияси ҳажми (ресурс)                               | минг квт.<br>соат |                                |       |         |                                |       |         |
| 2.  | Меъёрдаги йўқотишлар («Ўздавэнергоназорат» ДИ<br>томонидан тасдиқланган)              | минг квт.<br>соат |                                |       |         |                                |       |         |
| 3.  | Ҳисобот даврида истеъмолчиларга ҳисобланган (етказиб<br>бериш), жами                  | минг квт.<br>соат |                                |       |         |                                |       |         |
|     | шу жумладан:                                                                          |                   |                                |       |         |                                |       |         |
|     | юримдик шахслар бўйича                                                                | минг квт.<br>соат |                                |       |         |                                |       |         |
|     | аҳоли бўйича                                                                          | минг квт.<br>соат |                                |       |         |                                |       |         |
| 4.  | Ресурс ва етказиб бериш ўртасидаги тафовут (меъёрдаги<br>йўқотишларни чегирган ҳолда) | минг квт.<br>соат |                                |       |         |                                |       |         |

Иқтисодиёт ва энергосотиш  
бўйича раҳбар ўринбосари

М.Ў.

Энергосотиш  
бўлинмасининг бошлиғи

М.Ў.

Электр энергиясини сотишни бухгалтерия ҳисобида  
акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомга  
3-ИЛОВА

263-модда

\_\_\_\_\_ **ХЭТК бўйича \_\_\_\_\_ йил учун қабул қилинган электр  
энергиясининг ҳажми билан истеъмолчиларга етказиб берилган электр  
энергиясининг ҳажми ўртасидаги тафовутнинг  
ҲИСОБ-КИТОБИ**

| Т/р | Кўрсаткичлар номи                                                                  | Ўлчов<br>бирлиги  | Йил бошидан буён               |       |         |
|-----|------------------------------------------------------------------------------------|-------------------|--------------------------------|-------|---------|
|     |                                                                                    |                   | электр<br>энергияси<br>миқдори | нархи | суммаси |
| 1.  | Тармоққа қабул қилинган электр энергияси ҳажми (ресурс)                            | минг квт.<br>соат |                                |       |         |
| 2.  | Меъёрдаги йўқотишлар («Ўздавэнергоназорат» ДИ томонидан тасдиқланган)              | минг квт.<br>соат |                                |       |         |
| 3.  | Ҳисобот даврида истеъмолчиларга ҳисобланган (етказиб бериш), жами                  | минг квт.<br>соат |                                |       |         |
|     | шу жумладан:                                                                       |                   |                                |       |         |
|     | юрдик шахслар бўйича                                                               | минг квт.<br>соат |                                |       |         |
|     | аҳоли бўйича                                                                       | минг квт.<br>соат |                                |       |         |
| 4.  | Ресурс ва етказиб бериш ўртасидаги тафовут (меъёрдаги йўқотишларни чегирган ҳолда) | минг квт.<br>соат |                                |       |         |

Иқтисодиёт ва энергосотиш  
бўйича раҳбар ўринбосари

М.Ў.

Энергосотиш  
бўлинмасининг бошлиғи

М.Ў.

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_  
(имзо)